

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

О.А. Махмудова

*Андижон машинасозлик институти
мустақил тадқиқотчиси*


Мамлакатимизда юқори технологияли янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, ҳудудларни рақобатдош ва экспортга йўналтирилган замонавий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга янада фаол жалб қилиш, ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт, ижтимоий инфратузилма ва логистика хизматларини жадал ривожлантиришни таъминлаш учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни кенгайтиришнинг энг муҳим омили сифатида эркин иқтисодий зоналарни ривожлантириш кўзда тутади.

Шунингдек, Эркин иқтисодий зоналар -давлатлараро келишувларга ёки махсус қонунларга мувофиқ, хўжалик ва ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш учун имтиёзли солиқ, молия, ҳуқуқий шароитлар жорий қилинадиган муайян ҳудудлар. Хорижий ва маҳаллий тадбиркорларни жалб этиш мақсадларида ташкил этилади ва уларда зарур ишлаб чиқариш ва иш юритиш инфратузилмаси барпо этилади. Эркин иқтисодий зоналар кўп ҳолларда давлатлараро туташ ҳудудларда (бир неча давлатларнинг чегаралари туташган ҳудуд), халқаро аэропортлар, порт шаҳарларда ёки транспорт йўллари туташган ҳудудларда ташкил этилади.

Шунингдек, Эркин иқтисодий зоналарда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, хусусийлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш, республиканинг ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлган минтақаларида янги иш жойларини яратиш дастурларини амалга оширишда тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, шунингдек хорижий инвесторлар учун ишончли ҳуқуқий ҳимоя ва кафолатларни таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу эса, ўз навбатида, хорижий инвесторлар ёрдамида йирик ишлаб чиқариш корхоналарни қуриш имкониятини бермоқда. Ҳозирги кунда вилоят хўжалигида хорижий инвесторлар ёрдамида қурилган 40 дан ортиқ корхоналар фаолият кўрсатиб турибди. АҚШ, Панама, Хитой, Россия ва Украиналик инвесторлар иштироки билан қурилган корхоналарнинг асосий қисми Навоий ва Зарафшон шаҳарларига тўғри кэлади. Фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг асосий қисми озиқ-овқат саноатига (7 та), кимё саноати (6 та), транспорт ва алоқа тармоғи (5 та), қурилиш материалларини ишлаб чиқариш саноати (6 та), машинасозлик (4 та), энгил саноат (4 та), савдо (3 та), рангли металлургия (2 та), қишлоқ хўжалиги соҳасидаги (1 та) саноат тармоқларга тўғри кэлади.

2021-2023 ЙИЛЛАРДА ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИ



Хорижий инвестициялар жалб қилинадиган

	Хитой	21 млн. доллар
	Туркия	16 млн. доллар
	Россия	9 млн. доллар
	Жанубий Корея	3 млн. доллар
	Эрон	4,5 млн. доллар
	Ҳиндистон	3,5 млн. доллар

Саноат кластерлани ташкил этиш

	Лойиҳа сони 13 та	Енгил саноат 1 та лойиҳа 4,3 млн доллар
	Лойиҳа қиймати 68,2 та	Чарм-поябзал 2 та лойиҳа 4,6 млн доллар
	Яратиладиган иш ўрни 1 191 та та	Кимё саноат 3 та лойиҳа 10,3 млн доллар
		Озиқ-овқат саноати 1 та лойиҳа 3,9 млн доллар
		Электротехника саноати 3 та лойиҳа 9,3 млн доллар
		Фармацевтика саноати 3 та лойиҳа 35,8 млн доллар

1-расм. Навоий эркин иқтисодий зонасини 2021-2023 йилларда ривожлантириш стратегияси

Навоий шаҳридаги ЭИИЗ ҳудудида янги ташкил этилган корхоналарда спидометрлар, автомобиллар учун ўтгазгичлар, компрессорлар, рақамли тэлевицион тюнерлар, энергияни тежайдиган лампалар, ёритиш ускуналари, диодли лампалар, модемлар, полиэтилен ва пропилен қувурлар, косметика воситалари ҳамда тиббиёт маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Келгуси йиллардаги устувор йўналишлардан бири мамлакат ЭИИЗда, энг аввало, жалб қилинаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмини ошириш, чет эл инвесторлари учун кафолатлар яратиш ҳамда уларнинг ишончини мустаҳкамлаш мақсадида янада қулай инвестиция муҳитини шакллантиришдан иборат.

Хулоса ўринда, бу вазифаларни амалга ошириш тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини таъминлайди. Ушбу маблағлар энг илғор технологиялар билан жиҳозланган ва хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш ҳамда рақобатдош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, мамлакат ЭИИЗ экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда янги иш ўринларини яратишга хизмат қиладиган янги саноат корхоналарини ташкил этиш бўйича чет эл инвесторлари иштирокидаги 320 тадан ортиқ йирик инвестиция лойиҳасини амалга оширишга йўналтирилади.